

# СУД АМАЛИЁТИ

## 1 – 2018

### ОБЗОР СУДЕБНОЙ ПРАКТИКИ

---

Ушбу тўпламга жиноят ишлари бўйича тошкент шаҳар судининг 2017 йил ҳамда 2018 йил 8 оyi давомида кўрилган ишлари бўйича суд амалиёти мисоллар киритилган.

Китоб судьялар, прокурорлар, адвокатлар, суриштирув ва тергов органлари ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ва талабалар учун мўлжалланган.

Н а ш р   у ч у н   м а с ъ у л :  
**Х.Шамшиев.**

## **Судланган шахснинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги сабабли суд қарори ўзгартирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 2017 йил 10 майдаги ҳукмига кўра, О.З. Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан ва 276-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан унга узил-кесил 4 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, О.З. 2016 йилнинг тахминан июль ойларида Тошкент шаҳри Бектемир тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси бўйида ёввойи ҳолда ўсиб турган наша ўсимлигини баргларини юлиб олиб, ўз уйига олиб келиб, уларни қуритиб бир қисмини ўзи чекиш йўли билан истеъмол қилиб, қолганини кейинчалик қонунга ҳилоф равишда сотиш мақсадида сақлаб келиб, 2016 йил 22 ноябрь куни Тошкент шаҳри, Олмазор туманида жойлашган 1-сонли Сил касалликлари клиник шифохонасида бўла туриб, қоғоз бўлагига ўралган марихуана гиёҳвандлик воситасини ўзининг таниши **Р.га 40.000 сўм эвазига сотган.**

Шу куни Миробод тумани ИИБ ЖК ва УЖҚКБ ходимлари томонидан О.И.нинг аризасига асосан ўтказилган тезкор тадбир жараёнида, **Р.** Тошкент шаҳар Олмазор туманида жойлашган Сил касалликлари клиник шифохонаси олдида таниши **О.И.га 50.000 сўм** нақд пул эвазига оқ қоғоз ўрама ичида бўлган марихуана гиёҳвандлик воситасини сотган. Шундан сўнг **Р.** Миробод тумани ИИБ 305-хонасига олиб келиниб холислар иштирокида ўтказилган шахсий тинтув жараёнида унинг эгнидаги шимининг чап чўнтагидан оқ қоғоз ўрамасига жойлаштирилган ўткир ҳидли модда ва эгнидаги куртқасининг чўнтагидан 2 дона 5.000 сўмлик купьюрадаги пуллар борлиги аниқланиб, мазкур модда ва пуллар холислар иштирокида далилий ашё сифатида олинган. Ўз навбатида О.И. ҳам **Р.**дан 50.000 сўмга сотиб олган оқ қоғоз ўрамасига жойлаштирилган ўткир ҳидли моддани холислар иштирокида ўз ихтиёри билан тақдим этган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМ томонидан берилган 2016 йил 23 ноябрь кунидаги 2|875-сонли суд-кимёвий экспертиза хулосасига кўра, О.И.дан олинган модда таркибида гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, ушбу модда “Марихуана” гиёҳвандлик воситаси эканлиги ва унинг оғирлиги 1.22 граммга тенглиги аниқланган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМ томонидан берилган 2016 йил 23 ноябрь кунидаги 2|876-сонли суд-кимёвий экспертиза хулосасига кўра, **Р.**дан олинган модда таркибида гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, ушбу модда “Марихуана” гиёҳвандлик воситаси эканлиги ва унинг оғирлиги 0.23 граммга тенглиги аниқланган.

Бундан ташқари О. 2017 йил 28 февраль куни соат тахминан 16:30 да Тошкент шаҳри, Миробод туманида ўтказилаётган комплекс тадбирлар жараёнида туман ИИБ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакиллари томонидан гиёхвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этаётган шахсларни аниқлаш мақсадида, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Фитрат кўчаси, 180<sup>А</sup>-уйнинг олдида, О.З. ИИБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, холислар иштирокида шахсий тинтув қилинганда, унинг эғнида бўлган кўк рангли спорт курткасининг ўнг чўнтагидан 1 дона сигарет қутиси ичида қоғоз бўлаги ўрамига жойлаштирилган ўткир хидли модда борлиги аниқланиб, мазкур модда холислар иштирокида далилий ашё сифатида олинган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМ томонидан берилган 2017 йил 1 март кунидаги 2|153-сонли суд-кимёвий экспертиза хулосасига кўра, О.З.дан олинган модда таркибида гиёхванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу модда “Марихуана” гиёхвандлик воситаси эканлиги ва унинг оғирлиги 1,61 граммга тенглиги аниқланган.

Биринчи босқич суди томонидан О.З.нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддасининг 2-қисми билан тўғри малакаланган бўлсада, бироқ, унинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 276-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан нотўғри малакаланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарорининг 27-бандида, “Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, шахснинг ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “а” банди, 273-моддаси 3-қисми “а” банди, 274-моддаси 2-қисми “а” банди, 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан жиноий жавобгарлиги у муқаддам ЖКнинг 19-бобида назарда тутилган бирон бир содир этган жинояти учун судланган ҳолдагина келиб чиқади. Агар шахс муқаддам содир этган жиноят иши жиноий жавобгарликдан озод этилган ёки судланганлик ҳолати тугалланган ёнки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган бўлса, қилмиш мазкур белги билан квалификация қилиниши мумкин эмас” деб белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи О.З. муқаддам жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2014 йил 9 сентябрдаги ҳукми билан ЖКнинг 276-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбдор деб топилди, унга 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва ЖКнинг 72-моддасига кўра, 1 йил синов муддати белгиланган, синов муддати 09.09.2015 йилда тугаган.


ЖК 78-моддасининг “а” бандига кўра, шахснинг судланганлик ҳолати синов муддати тугаган кундан бошлаб тугалланади.

Жиноят кодекси 77-моддасининг 4-қисмида судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлиши қайд қилинган.

Бундай ҳолатда О.З.нинг жиноий ҳаракатларини, унинг судланганлик ҳолати тугалланганлиги сабабли, илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилган деб квалификация қилиб бўлмайди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2018 йил 18 май кунги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, О.З.нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “б” бандидан мазкур модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилинди.

*Кассация иши 603к/18*



Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Бектемир туман судининг 2016 йил 27 июндаги ҳукмига кўра, М. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми, 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 3 йил 1 ой озодликни чеклаш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, М. 2016 йил апрель ойида ўзи яшаб келган уй томорқасининг 2x4 ҳажмли майдонига “наша ўсимлиги” уруғини экиб, экилган уруғни парваришлаб, келгусида ўзининг истеъмоли учун етиштирган, 2016 йил 14 май куни Тошкент шаҳар Бектемир тумани ИИБ ходимлари томонидан М.нинг яшаш манзили кўздан кечирилганда, 9 туп “наша ўсимлиги” холислар иштирокида расмийлаштириб олинган.

Тошкент шаҳар ИИББ Экспертиза Криминалистика Марказининг 2016 йил 15 майдаги 2|393-сонли хулосасига кўра, М.нинг яшаш манзилидан олинган “9 туп қуритилмаган ҳолдаги яшил рангли ўсимликлар таркибида фаол гиёҳванд модда, тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу ўсимликлар наша ўсимлиги” деб аталувчи ўзида наркотик моддалар сақловчи ўсимликларга кириб, “марихуана” ва “гашиш” наркотик воситаларни олишда хом ашё маҳсулоти бўлиши мумкинлиги аниқланган.

Бундан ташқари, 2016 йил 13 май куни соат 20:00ларда, Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари томонидан Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳудудида жойлашган йўл патруль хизмати масканида ўтказилган тадбир давомида, А. бошқарувида бўлган, “Эпика” русумли автомашина тўхтатилганда, автомашинада йўловчи сифатида келган М., холислар иштирокида шахсий тинтув қилинганида, унинг ўнг оёғи пайпоғи ичидан бир дона, гугурт қутисига солинган ўткир хидли, яшил рангли, ўсимликсимон модда борлиги аниқланиб, расмийлаштириб олинган.

Тошкент шаҳар ИИББ Экспертиза Криминалистика Марказининг 2016 йил 15 майдаги 2|392-сонли хулосасига кўра, М.дан олинган модда таркибида фаол гиёҳванд модда, тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу модда


“Марихуана” гиёҳвандлик моддаси деб аталиши, оғирлиги 1,82 граммга тенглиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарори 27-бандида, шахснинг ЖК 270-моддаси иккинчи қисми “а” банди, ЖК 271-моддаси иккинчи қисми “а” банди, ЖК 273-моддаси учинчи қисми “а” банди, ЖК 274-моддаси иккинчи қисми “а” банди, ЖК 276-моддаси иккинчи қисми “б” банди билан жиноий жавобгарлиги, у муқаддам ЖК XIX бобидан назарда тутилган бирон-бир содир этган жинояти учун судланган ҳолдагина келиб чиқади. Агар шахс муқаддам содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан озод этилган ёки судланганлик ҳолати тугалланган ёнки белгиланган тартибда олиб ташланган бўлса, қилмиш мазкур белги билан квалификация қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” банди бўйича жиноий жавобгарлик, айбдор муқаддам содир этган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ҳолатларда келиб чиқади.

Иш ҳужжатларига кўра, М. муқаддам гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилмаган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2017 йил 16 июндаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, М.нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” бандидан мазкур модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилинди.



Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2016 йил 4 августдаги ҳукмига кўра, Х. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 4-қисми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Х. А. билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, 2016 йил 13 май куни психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш мақсадида, психотроп модда тайёрлаш учун зарур бўлган “Мак” (кўкнори уруғи)ни, “Вершин” номли растворитель, уйқу дори (демидрол) ва шприцларни сотиб олиб, А.нинг яшаш манзили, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Янги Бел-тепа мавзеси, 19-уй, 52-хонадонда

турли анжомлардан фойдаланиб, кўп миқдордаги психотроп моддаларни тайёрлаган.

2016 йил 13 май куни туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир жараёнида Х. ва А.лардан бир дона юмшоқ пахта, бир дона шиша идиш, аммиак қоришмаси, елим идишда растворитель, тоғорада 20 гр. Мак маҳсулоти ва растворитель қоришмаси, қора рангли целлофан пакетда 600 гр. мак маҳсулоти, шприцлар, пахта, темир товоқ, демидрол, ацителовая кислота таблеткалари, бир дона 20 мл. граммлик шприц ичида суюқликлар, бир дона шприц ичида демидрол суюқлиги, 1,5 литр ҳажмдаги “Вонаqua” номли баклажкада 300 мл. суюқликлар ашёвий далил тариқасида олинган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКМнинг 14.05.2016 йилдаги 710 сонли экспертиза хулосасига кўра, А.нинг яшаш манзилидан олинган бир дона шприц ичида демидрол суюқлиги, 1,5 литр ҳажмдаги “Вонаqua” номли баклажкада 300 мл. сариқ рангли суюқлик таркибида опий гуруҳига мансуб бўлган гиёҳванд алкалоидлар-морфин, кодеин ва тебанин мавжуд бўлиб, бу модда “Опий” эритмаси эканлиги, унинг оғирлиги 10.3629 граммга тенглиги аниқланган.

Шунингдек марли қирқимларидан ва 1 дона сирли кўк рангли темир товоқдан олинган опийнинг оғирлиги 0.4349 граммга тенглиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори 26-бандида “Бангихонани ташкил қилиш деганда, (ЖК 273-моддасининг тўртинчи қисми), уни тузишга қасдан қаратилган ҳаракатлар, масалан, турар-жой ёки нотурар-жой қидириш, сотиб олиш ёки ижарага олиш, уни таъмирлаш, ҳар хил ускуналар билан жиҳозлаш ишларини молиялаш ва кейинчалик бир неча шахс томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун фойдаланиш мақсадида содир этилган шунга ўхшаш ҳаракатлар тушунилиши лозим. Бангихонани ташкил этиш жинояти уни тузишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат содир этилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Бангихона сақлаш деганда, унинг ишлаб туришига қаратилган, яъни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш учун ажратилган ва (ёки) мослаштирилган жойдан мақсадли фойдаланиш, бинодан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш бўйича қасдан содир этилган ҳаракатлар (ижара ҳақини тўлаш, мижозлар қатновини тартибга солиш, кўриқлашни таъминлаш ва ҳ.к.) тушунилиши лозим. Қонун мазмунига кўра, бангихона сақлаш жинояти фақат бундай жойдан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун ҳақиқатда фойдаланилган бўлсагина, тугалланган ҳисобланади. Бунда айбдор ғараз ёки бошқа мақсадни кўзлаганлиги аҳамият касб этмайди.

Агар бангихона ташкилотчиси ёки сақловчиси айни пайтда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказган ёки бошқа


шахсларни уларни истеъмол қилишга жалб қилган бўлса, унинг ҳаракатлари, бунга асослар мавжуд бўлганда, ЖК 273-моддасининг тегишли қисми ва ЖК 274-моддасида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Х. А.нинг таклифи билан бозорга бориб, гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш мақсадида зарур бўлган нарсаларни олиб А.нинг яшаш манзилига келганлигини, у ерда А. истеъмол учун гиёҳвандлик моддасини тайёрлаётганида милиция ходимлари томонидан ушланганлар.

Айбловда эълон қилинганидек бангихона, яъни Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Бел-тепа мавзеси, 19-уй, 52-хонадон А..нинг яшаш манзили бўлган, Х.нинг ушбу хонадонга алоқаси бўлмаган.

Бундай ҳолатда, Х.нинг ҳаракатларини, ЖКнинг 273-моддаси 4-қисми, яъни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда тайёрлаш ёки қайта ишлаш, шунингдек бундай воситаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангихоналар ташкил қилиш ва сақлаш деб квалификация қилиб бўлмайди.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2017 йил 18 июлдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, Х.нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 4-қисми билан нотўғри квалификация қилинганлиги сабабли унинг ҳаракатлари ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” бандига қайта квалификация қилинди.



Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2016 йил 19 октябрдаги ҳукмига кўра, М. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди, 226-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида иш ҳақининг 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида, 651.200 сўм жарима жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, М., хавфли рецидивист бўла туриб, такроран, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2011 йил 23 ноябрь куни Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги “Хадра” мебель биноси олдида жабрланувчи К.га қизини бирон бир ишга жойлаштиришга ваъда бериб, 3.500 АҚШ доллари (6.218.065 сўм) миқдоридаги пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги;

бундан ташқари, М. муқаддам бир неча марта судланиб, жазодан озод этилганидан сўнг, бир неча марта маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилгани учун жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2016 йил 4 апрелдаги қарорига кўра, 6 ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилиб, бу ҳақида тегишли тартибда огоҳлантирилиб, унга асосан ҳар ойнинг 15, 30 кунлари ИИБдан рўйхатдан ўтиши, кеч соат 22:00дан эрталабки 06:00гача уйда бўлиши ва бошқа ўрнатилган чекланишлар белгиланиб, маъмурий назорат қоидаларига риоя қилиши зарурлиги тўғрисида расмий равишда огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан, 2016 йил 28 апрель куни соат 22:20 ларда профилактика инспектори томонидан унинг яшаш манзили текширилганида уйда йўқлиги аниқланиб, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2016 йил 29 апрелдаги қарорига кўра МЖТКнинг 206-моддаси билан огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан, 2016 йил 21 июль куни соат 23:15ларда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ИИБ ходимлари томонидан М.нинг яшаш жойи ҳолислар иштирокида текширилганида М. уйда йўқлиги ва ўрнатилган маъмурий назорат қоидаларини бузганлиги аниқланганлиги қайд этилган.

Биринчи инстанция суди томонидан М.нинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган бир вақтда, унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддаси 1-қисми билан нотўғри квалификация қилинган.

Ушбу ҳолат бўйича суднинг ҳукмида кўрсатилган жиноят мазмунига кўра, М. муқаддам, яъни суднинг 2016 йил 29 апрелдаги қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 206-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилиб, МЖТКнинг 21-моддасига асосан огоҳлантириш билан кифояланилиб, жавобгарликдан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори 8-бандида огоҳлантириш МЖТКнинг 23-моддасида назарда тутилган маъмурий жазо чоралари сирасига кирмаслиги кўрсатилган.


Шунингдек, мазкур қарорнинг 15-бандига асосан, шахс МЖТКнинг 21-моддасига кўра маъмурий жавобгарликдан озод этилиб, огоҳлантирилганда у маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддасига асосан, устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахснинг маъмурий назорат қоидаларини бузиши, мазкур шахсга шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, ушбу модда бўйича жиноий жавобгарлик келиб чиқиши белгиланган.

Дастлабки тергов органи томонидан М.га нисбатан ЖКнинг 226-моддаси билан нотўғри айб эълон қилинган бўлиб, мазкур ҳолат биринчи инстанция судининг эътиборидан четда қолган.



Шу сабабли жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2017 йил 4 апрелдаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгартирилиб, М.нинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд эмас деб топилиб, уни ушбу модда билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли реабилитация қилинган.



Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2013 йил 12 февраль кунги ҳукмига кўра, С. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 212-моддаси 3-қисми “а” банди билан 7 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, ЖКнинг 45-моддасига асосан 3 йил адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосига судланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрь кунги Амнистия акти 7-банди “а” кичик бандига асосан ўталмай қолган жазо муддати учдан бир қисмига қисқартирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, С. адвокатлик фирмасининг адвокати лавозимида ишлаб келиб, Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилаётган жиноят иши бўйича З.ни ҳимоя қилиш юзасидан Н. билан шартнома тузиб, жиноят иши бўйича З. ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан гумон қилинувчи сифатида жалб қилиниб ушлангандан сўнг, тергов ҳаракатларини олиб бораётган терговчи К. билан З.га нисбатан “қамоқ” эҳтиёт чорасини қўлламаслик ва унинг ҳаракатларини ЖКнинг енгилроқ моддаси билан квалификация қилишни 20.000 АҚШ доллари миқдоридаги пора эвазига келишиб, сўнг бу ҳақда Н.га маълум қилган. Н. бу таклифга рози бўлган, лекин тез кунларда пул маблағларини топа олмаслигини билдирганидан сўнг, терговчи томонидан пора тариқасида талаб қилинган пул миқдори ҳисобидан З.га нисбатан “қамоқ” эҳтиёт чорасини қўлламаслик учун пора олиш-беришда воситачалик қилиб, ўзининг хизмат хонасида 2012 йил 16 июль куни 2.500 АҚШ доллари, 18 июль куни 1.500 АҚШ долларини Н.дан ҳақ эвазига К.га пора тариқасида бериш учун олиб, К.га олиб бориб берган.

Бундан ташқари С. ўз ҳаракатини давом эттириб, З.нинг ҳаракатларини ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” бандидан ЖКнинг 241-моддаси 1-қисмига қайта малакалаш ва Н.ни қариндошини жиноят иши бўйича жавобгарликка тортмаслик эвазига, келишувга кўра, К.га пора тариқасида беришда ҳақ эвазига воситачилик қилиб, ўз хизмат хонасида 2012 йил 15 сентябрь куни 1.000 АҚШ доллари олган ҳамда 2012 йил 17 сентябрь куни хизмат хонасида 4.000 АҚШ доллари олган вақтида ушланган.

Биринчи инстанция суди томонидан С.нинг юқоридаги ҳаракатлари ЖКнинг 212-моддаси 3-қисми “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарори 4-бандига кўра, “Иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкин. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Судланувчини жиноят содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим”.

Мазкур Пленум Қарорининг 5-бандига кўра, “Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак. Суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкин”.

Бироқ, биринчи инстанция суди мазкур жиноят ишини кўришда, қайд этилган Олий суд Пленуми Қарори тушунтиришларига риоя этмай, судланган С. шунингдек, аризачи Н. ҳамда К.ларнинг кўрсатмаларига ҳамда дастлабки тергов давомида тўпланган ҳужжатларга етарли даражада баҳо бермаган.


Судда сўралган С. ҳақиқатдан ҳам адвокат бўлиб ишлагани, 2012 йил июль ойида Н. билан унинг ўғлини қамоқдан чиқариш ва жавобгарликка тортилмаслигига келишиб, гўёки пулларни терговчи К.га беришини айтиб, Н.дан жами 4.000 АҚШ доллари олганини, аслида у терговчи К. билан З.га ёрдам бериш масаласида умуман учрашмагани ва гаплашмагани, аксинча олинган пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатганини билдирган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 2017 йил 21 июль кунги ҳукмига кўра, Тошкент шаҳар ИИББ катта терговчиси лавозимида ишлаган К. ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган З.нинг жиноят иши бўйича адвокат С. воситачилигида пора олиш ҳолати юзасидан жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли, ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми “а” банди билан оқланган.

Юқоридагилардан С. ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган З.га оид жиноят иши бўйича, Тошкент шаҳар ИИББ катта терговчиси К. билан З.га нисбатан “қамоқ” эҳтиёт чорасини қўлламаслик,

унинг ҳаракатларини ЖКнинг “енгилроқ” моддаси билан квалификация қилиш ва Н.нинг қариндошини жавобгарликка тортмаслик юзасидан тил бириктирмаганлиги, К. ва Н. ўртасида пора олиш-беришда воситачалик қилмаганлиги, аксинча, С. адвокат эканидан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан Н.нинг кўп миқдордаги пулини қўлга киритишни ўзига мақсад қилиб, Н.ни мансабдор шахс бўлган терговчи К.га кўп миқдорда пора беришга далолат қилиб, ўғли З.га нисбатан “қамоқ” эҳтиёт чорасини қўлламаслик ва З.нинг ҳаракатларини ЖКнинг енгилроқ моддаси билан малакалаш, шунингдек, З.нинг қариндошини жавобгарликка тортмаслик эвазига 20.000 АҚШ доллари беришга мажбур қилиб, 2012 йил 15 сентябрь куни ўз хизмат хонасида ушбу пулларнинг бир қисмини, яъни 1.000 АҚШ долларини олганлиги ва 2012 йил 17 сентябрь куни хизмат хонасида яна 4.000 АҚШ доллари олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланганлиги аниқланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанцияси С. ЖКнинг 212-моддасида назарда тутилганидек, пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятини содир этмаган, аксинча фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан Н.нинг кўп миқдордаги 20.000 АҚШ долларини қўлга киритишга суиқасд қилган ва Н.ни мансабдор шахсга, терговчи К.га кўп миқдорда пора беришга далолат қилган деган хулосага келиб, С.нинг ҳаракатларини ЖКнинг 212-моддаси 3-қисми “а” бандидан ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “а” банди ва 28,211-моддаси 2-қисми “б” бандига қайта квалификация қилди.



Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2016 йил 21 январдаги ҳукмига кўра, Х. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,165-моддаси 3-қисми “а” банди билан 13 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Х. 2013-2015 йилларда Россия Федерацияси Москва шаҳрида, дастлабки терговда аниқланмаган чечен миллатига мансуб бошқа шахслар билан жиноий тил бириктириб уларнинг раҳнамолигида Москва шаҳридаги бозорлар ва метро бекатлари яқинида ташкил қилинган автобуслар тураргоҳига жиноий шериклари Х., С. ва бошқалар билан бир гуруҳ бўлиб, бу ерда Ўзбекистондан Россия Федерациясига ишлаш учун борган, йилнинг сентябрь-декабрь ойларидаги юртига қайтиш мавсуми (сезон) давомида Москва-Қозоғистон йўналишида ўзлари ижарага олган автобусларда фуқароларни ташиш билан шуғулланувчи Г., Ш., Д. М. ва бошқа автобусларнинг каттаси (старший)дан, узоқ вақт давомида, мунтазам равишда, товламачилик йўли билан, яъни кўрқитиш ва зўрлик ишлатиш орқали автотураргоҳга келган ҳар бир автобусдан 500 АҚШ долларида пул йиғишни йўлга қўйишда иштирок этиб, узоқ муддат мунтазам равишда жуда

кўп миқдордаги маблағларни жиноий йўл билан йиғиб, пул беришдан бош тортганларни пистолет ва бошқа совуқ-қурооллар билан кўрқитиб жиноий йўл билан топилган маблағдан маълум қисмини жиноий шериклари чечен миллатига мансуб бошқа шахсларга жиноятларини яшириш (рахнамолик қилиш) ва қаршилиқ кўрсатганларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш орқали бўйсундириш мақсадида бериб келиб, қолган қисмини ўз мақсадлари йўлида сарфлаб келганлар.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг саккизинчи бўлимда, жуда кўп миқдор-энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор деб кўрсатилган.

Бироқ, дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди томонидан Х. ва бошқалар жабрланувчиларни кўрқитиш ва зўрлик ишлатиш йўли билан уларнинг жуда кўп миқдордаги пул маблағларини эгаллаб, товламачиликда айбдор деб топган бўлсада, ушбу жуда кўп миқдорни ташкил этувчи сумма аниқланмасдан ушбу айблов шубҳа ва гумонларга таянган холос.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддаси 3-қисмида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим.

Биринчи инстанция суди томонидан ишни кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖПК талабларига амал қилинмаган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2018 йил 24 июль кунги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, Х.нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,165-моддаси 3-қисми “а” бандидан ЖКнинг 28,165-моддаси 2-қисми “а,в” бандларига қайта квалификация қилинди.

### **Судланган шахснинг ҳаракатлари ортиқча квалификация қилинганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2017 йил 19 сентябрдаги ҳукмига кўра А. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б,в” банди ва 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, жиноятлар мажмуи

тариқасида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, У. ва А.лар ўзганинг мулкини ўғирлик йўли билан талон-торож қилиш ҳақида ўзаро жиноий тил бириктириб, режа тузиб, 2017 йил 3 август куни, соат 12:00 дан 12:50 га қадар бўлган вақт оралиғида, судланувчи А. ўз бошқарувидаги, “Ласетти” русумли, давлат рақами 01 У 898 WA бўлган автомашинасида, Н.ни Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ифтихор кўчасида жойлашган “Ош маркази”га олиб келиб ва бу ҳақида У.га хабар бериб, ўз навбатида У. автомашина ёнига келиб, А. томонидан автомашина пулт орқали очиб берилгач, автомашина саломида бўлган, Н.га тегишли баҳоси 52.500 сўмлик “Meinali” русумли ноутбук сумкаси ва уни ичидаги баҳоси 5.000.000 сўмлик “Lenovo” русумли ноутбуки, 3.700 АҚШ доллари (Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг маълумотига кўра 1 АҚШ доллари 4.098,37 сўм, 15.163.969 сўмни ташкил этади), 200 Евро (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотига кўра 1 Евро 4.792,82 сўм, 958.964 сўмни ташкил қилади), баҳоси 207.500 сўмлик кўшимча таъминот етказиб бериш мосламасини, баҳоси 540.000 сўмлик “Transcend” ташқи хотира қурилмасини ҳамда Н.нинг фуқаролик паспортини яширин равишда эгаллаб, жами анча миқдордаги 21.922.533 сўм моддий зарар етказиб, воқеа жойидан яшириниб, кейинчалик фуқаролик паспортини нобуд қилганлар.

Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасига кўра, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олинishi лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 30-моддаси 4-қисмига мувофиқ, бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун уни содир этган шахс жавобгар бўлади.

Иш ҳолатларига кўра, У. ва А.лар 2017 йил 3 август куни Н.нинг 21.922.533 сўм миқдоридagi буюмларини ўғирлаб, моддий зарар етказган.

Шу билан бирга ўғирланган ноутбук сумкаси ичида Н.га тегишли фуқаролик паспорти ҳам бўлган.

Судланувчи А. ўз кўрсатувларида, Н.га тегишли нарсалар ўғирланганида ноутбук сумкаси ичида Н.га тегишли фуқаролик паспорти ҳам бўлганлигини кейинчалик У.дан билганлигини ва У. унга фуқаролик паспортини ташлаб юборганлигини айтганлигини маълум қилган.

Ўз навбатида У. ҳам А.нинг кўрсатувларини тасдиқлаб, ўғирланган сумкани очиб кўрганида, уни ичида пуллар, компьютер ва фуқаролик

паспорти бўлганлиги, кўрқиб кетганидан ушбу паспортни ташлаб юборганлигини маълум қилган.


Юқоридагилардан кўриниб турибдики, А.нинг жиноий мақсади Н.нинг фуқаролик паспортини нобуд қилишга эмас, балки ўғирлик жиноятини содир қилишга қаратилган.

Н.га тегишли фуқаролик паспорти эса, фақат У. томондан нобуд қилинган.

Бироқ, биринчи босқич суди томонидан судланувчиларнинг бу кўрсатувларига ва ишдаги ҳолатларга тегишли ҳуқуқий баҳо берилмасдан, А.нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан ортиқча квалификация қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2018 йил 22 май кунги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, А.нинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди чиқарилди ва ишнинг шу қисми ҳаракатдан тугатилди.

*Кассация иши 609к/18*



Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2018 йил 18 майдаги ҳукмига кўра, Х. ва М. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в, г” бандлари, 179-моддаси, 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми, 192<sup>11</sup>-моддаси 2-қисми “а” банди, 227-моддаси 2-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг 600 баравари, яъни 89.865.000 сўм жарима жазосига судланганлар.

Суднинг ҳукмига кўра, Х. ва М.лар ўзаро тил бириктириб, Х. 2017 йил 1 февралда Юнусобод туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш “Ягона Дарча” Марказига нодавлат тижорат ташкилотини таъсис этиш ва давлат рўйхатидан ўтказишга зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиб, нодавлат тижорат ташкилоти ҳисобланган МЧЖни ташкил этиб, жамият ягона таъсисчиси сифатида ўзини расмийлаштириб, жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиб, мазкур юридик шахс фаолиятини назорат қилинмаслигига эришиш мақсадида, давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида жамиятнинг юридик манзили сифатида жамият ҳақиқатда жойлашмаган ва унга умуман алоқаси бўлмаган манзил кўрсатилиб, таъсис ҳужжатларига била туриб сохта маълумотлар киритиш йўли билан гўёки мазкур манзил жамият жойлашган юридик манзил сифатида кўрсатилиб, сўнг жамиятнинг норасмий раҳбари М.нинг кўрсатмасига биноан жамиятнинг раҳбари этиб тайинланиб, низом

жамғармасини шакллантириб, асосий фаолият тури сифатида “Умумқурилиш” фаолияти кўрсатилган.

Шундан кейин, МЧЖ фаолиятига қонуний тус бериш мақсадида, Х. жамиятнинг норасмий раҳбари М.нинг кўрсатмасига асосан, ўзининг номидан 2012 йил 22 февралдан 2017 йил 28 мартгача МЧЖнинг асосий депозит ҳисоб рақамига Низом жамғармасини шакллантириш учун маълум маблағларни ўтказиб, 2017 йил 18 мартда МЧЖнинг Низом жамғармасига унинг таъсисчиси Х. номидан директор Х. номига қиймати маълум миқдордаги турли хил техника ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари берилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритилган далолатномани тузиб, 2017 йил 30 мартда “Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш” Департаментининг туман бошқармасига ариза билан мурожаат этиб, мазкур аризага илова тариқасида Низом жамғармаси шакллантирилганлиги ҳақидаги сохта маълумотларни такдим қилиб, улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилишига эришган.

Бундан ташқари, Х. ва М. бир гуруҳ бўлган ҳолда, 2017 йил 10 мартдан 2017 йил 30 октябрга қадар бўлган вақт давомида МЧЖнинг Низомида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш ниятини кўзламай, давлат томонидан белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаш мақсадида, турли халқ истеъмол моллари, саноат маҳсулотлари, хом-ашёлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ускуналар ички бозордан ҳарид қилинган маълум миқдордаги маҳсулотни Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги “Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банклари масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 264-сонли, 2002 йил 5 августдаги “Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли Қарори талабларига зид равишда нақд пулга сотиб юбориб, савдодан тушган маблағларни тегишли банк муассасасига кирим қилмай, савдо қоидаларини жуда кўп миқдорда бузиб, жамият ягона солиқ тўловчиси бўлишига қарамай, Солиқ Кодексининг 359-моддаси талабларидан келиб чиқиб ҳар чорақда ҳисобот топшириши, жамият раҳбари сифатида ўрнатилган тартибга биноан электрон рақамли имзо олган бўлсада, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига биноан электрон имзо қоғозда қўлёзма тарзда қўйилган имзога тенглаштирилганлигини била туриб, ўзининг хизмат вазифасини сууистеъмол қилиб, ҳаракатларини қонунга зид эканлигини аниқ англаган ҳолда, жамият норасмий раҳбари М.нинг кўрсатмасига биноан МЧЖнинг 2017 йил ҳисоботининг электрон шаклини тузиш жараёнида, ҳисоботда нақд пулга сотилган товарлар ҳажмини ҳисоботларда кўрсатмай, ягона солиқ солиш объектини яшириб, солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлаган.

Шундан сўнг, Х. ва М. содир қилган жиноятларини яшириш мақсадида, олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2017 йил ноябрь ойида МЧЖнинг солиқ солинишига асос бўладиган молиявий фаолиятига доир

бошланғич хужжатлар ҳамда бухгалтерия ҳисоботларини, товар моддий бойликлари ҳисоботларини юритишга оид хужжатлар, рўйхатга олиш китоблари, корхоналар билан тузилган шартномалар ва бошқа хужжатларни терговга тақдим этмай, нобуд қилганлар.

Бундан ташқари, Х. ва М. жинойй ҳаракатларини давом эттириб, жинойт ишининг уларга нисбатан қисми алоҳида иш юритувиغا ажратилган шахслар билан олдиндан тил бириктириб, товарсиз операцияларни амалга ошириб, 2017 йил 20 октябрда корхонага компьютер маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан шартномалар расмийлаштириб, ҳақиқатда эса шартномаларда кўрсатилган товар-моддий бойликларни етказиб бермаган бўлсаларда, мазкур шартномаларга асосан корхона ҳисобидаги маълум маблағларни МЧЖ ҳисоб-рақамига ўтказилишига эришиб, ўзларининг ихтиёрида бўлган маблағлани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлар.

Биринчи инстанция суди томонидан Х. ва М.нинг қайд этилган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари, 179-моддаси, 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Бирок, биринчи инстанция суди томонидан Х. ва М.нинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192<sup>11</sup>-моддаси 2-қисми “а” банди, 227-моддаси 2-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан ортиқча квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сонли Қарорининг 7-бандига кўра, солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик билан боғлиқ жинойт ишлари бўйича шуни эътиборга олиш керакки, агар солиқ тўловчи субъектларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ЖКнинг 184-моддаси диспозицияси билан камраб олинса, уларни тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ жинойтлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жинойтлар (ЖКнинг 192<sup>11</sup>-моддаси) ва бошқарув тартибига қарши жинойтлар (ЖКнинг 205-209, 227, 228-моддалари) учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан қўшимча малакалани талаб этилмайди.


Иш ҳолатларига кўра, Х. ва М. МЧЖнинг 2017 йил ҳисоботининг электрон шаклини тузиш жараёнида, ҳисоботда нақд пулга сотилган товарлар ҳажмини ҳисоботларда кўрсатмай, ягона солиқ солиш объектини яшириб, солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товланган ҳолда давлатга зарар етказганлар.

Шунингдек, Х. ва М.лар ўзларининг ниятларига эришиш йўлида хужжатларни нобуд қилиш ва қалбакилаштириш жинойтини ҳам содир этганлар.



Бунда Х. ва М.нинг жинойий мақсади ҳужжатларни нобуд қилиш ва қалбакилаштиришга эмас, балки солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жинойятини содир қилишга қаратилган.

Жинойят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 10 июль кунги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, Х. ва М.нинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192<sup>11</sup>-моддаси 2-қисми “а” банди, 227-моддаси 2-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми чиқарилган.



Жинойят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Бектемир туман судининг 2017 йил 16 октябрдаги ҳукмига кўра, Т. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди, 228-моддаси 2-қисми “б” банди, 228-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида иш ҳақининг 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Т. 2017 йил 23 май куни бошқа шахслар билан келишувга асосан Бектемир туманида жойлашган “Metal Polymer Tehnologies” МЧЖ ҳисоб рақамида бўлган қолдиқдаги 13.805.184 сўм пулларни ноқонуний тарзда ечиб олишга келишиб, “Умид” исмли таниши тақдим қилган ҳисоб-китоб маълумотномасига асосан “Metal Polymer Tehnologies” МЧЖнинг қалбаки муҳрини ясашиб ушбу муҳр орқали МЧЖнинг вакили эканлигини англатувчи **қалбаки ишончнома тайёрлаб, уларни қалбаки эканлигини била туриб, улардан фойдаланиб, “Чиноз” темир йўл станцияси ходимларини ишончига кириб уларга ўзини “Metal Polymer Tehnologies” МЧЖнинг қонуний вакили сифатида таништириб, “Metal Polymer Tehnologies” МЧЖнинг ҳисоб рақамидан **фирибгарлик йўли билан ўзлаштириб** олган 13.805.184 сўм пулларни “Умид” исмли таниши билан бўлишиб олиб ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборганлар.**

Тошкент шаҳар Бектемир тумани ИИБ ЭКБнинг 18.07.2017 йилдаги 47-сонли суд-техник экспертиза хулосасига кўра, экспертиза учун тақдим этилган айлана шаклидаги “Metal Polymer Tehnologies” МЧЖнинг муҳри қалбакилаштирилганлиги аниқланган.

Биринчи инстанция суди томонидан Т.нинг жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарори 19-банди 3-қисмида “Бошқа шахс томонидан тайёрланган қалбаки ҳужжатдан фойдаланган ҳолда фирибгарлик содир этган шахснинг ҳаракатлари ЖК 168-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилинади


ва ЖК 228-моддаси учинчи қисми билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди, чунки бундай ҳолда ҳужжат айбдор томонидан ўз мақсадига эришиш учун алдаш воситаси сифатида фойдаланилган бўлади” деб белгиланган.

Иш ҳолатларига кўра, Т. “Чиноз” темир йўл станцияси ходимларини ишончига кириб уларга ўзини “Metal Polymer Tehnologies” МЧЖ қонуний вакили сифатида таништириб, уларга қалбаки муҳр орқали тайёрланган ишончномани тақдим этиб, “Metal Polymer Tehnologies” МЧЖнинг ҳисоб рақамидан 13.805.184 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан ўзлаштириб олган.

Биринчи инстанция суди томонидан Олий Пленум қарори талабларига риоя қилинмаган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2018 йил 23 январдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, Т.нинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми чиқарилди.

*Кассация иши 70к/18*



Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судининг 2017 йил 27 апрелдаги ҳукмига кўра, О. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “в” банди ва 219-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 3 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, О. 2016 йил 9 декабрь куни соат 20:00 ларда Тошкент шаҳар ИИББ тезкор вакиллари ва Шайхонтохур тумани ИИБ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили Д. томонидан олиб борилган тезкор тадбир давомида, “Нексия-2” русумли автомашинада, Ички ишлар идоралари ходимларига қаршилик кўрсатиб, уларнинг қонуний талабларига бўйсунмасдан, бошқарувидаги автомашинада қасддан Д.га тан жароҳати етказиб, воқеа жойидан яширинмоқчи бўлган вақтида ушланган.

Тошкент шаҳар СТЭ бюроси 1-филиалининг 2016 йил 26 декабрдаги 1390-Х-сонли хулосасига кўра, Д.да оғирлик даражасига кўра “ўртача оғир” тан жароҳати аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида “Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли Қарори 8-бандида ЖКнинг 104-моддаси иккинчи

қисми “б” банди, 105-моддаси иккинчи қисми “в” банди билан ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига бундай шахс томонидан ўз хизмат фаолияти ёки фуқаролик бурчини бажаришга тўсқинлик қилиш, шунингдек, бундай фаолият учун ўч олиш мақсадида қасддан оғир ёки ўртача оғир шикаст етказган айбдорнинг ҳаракатлари квалификация қилиниши лозимлиги ҳақида судларга тушунтирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, О. ички ишлар идоралари ходимлари томонидан уни ушлаш тезкор-тадбир жараёнида бошқарувидаги автомашинада қасддан Д.га тан жароҳати етказган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 28 июлдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, О.нинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 219-моддаси 1-қисми чиқарилиб, ушбу модда билан тайинланган жазо бекор қилинган.

*Апелляция иши 856/17*

### **ЖКнинг нормалари бузилганлиги сабабли суд қарори ўзгартирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 2016 йил 26 декабрдаги ҳукмига кўра, Ю. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ю. ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида жиноий шериги Х. билан ўзаро жиноий тил бириктириб, таниши Н.ни ишончига кириб, ўзларини юқори давлат органларида ишловчи танишлари орқали “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖГа вагон кузатувчиси лавозимига ишга жойлаштириб қўйишларини ваъда қилишиб, фирибгарлик йўли билан 2014 йил 6 октябрь куни соат 16:00 ларда Миробод тумани, Эски Сарикўл кўчаси, 111-уй олдида Н.ни номаълум шахсларга пора беришга қизиқтириб, ундан 2.100 АҚШ долларини олиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддаси 9-қисмида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди деб белгилаб қўйилган.

Иш ҳужжатларида мавжуд бўлган, судланган Ю.нинг анкета маълумотларидан маълум бўлишича, у 1944 йил 5 майда туғилган бўлиб, мазкур жиноятни содир қилган вақтида нафақа ёшида бўлган, бироқ мазкур ҳолатда биринчи босқич суди, уни нафақада эканлигини эътиборга олмаган.


Биринчи инстанция суди Ю.га нисбатан унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига кирувчи ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб хатога йўл қўйган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Аниқланган ҳолатларга кўра, Ю. муқаддам икки марта оғир жиноят содир қилиб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кўп муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 13-сонли Қарори 27-бандида, ЖКнинг 34-моддаси учинчи қисмини қўллашда озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган шахс деганда, муқаддам суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига кўра озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо тайинланган шахс тушунилиб, бунда ҳукм ижрога қаратилганлигининг, шу жумладан шахс мазкур жазони ўтамаганлиги (масалан, шахснинг жазони ўташдан бўйин товлаганлиги, жазо ижроси ЖПК 533-моддасига мувофиқ кечиктирилганлиги)нинг ёки қисман ўтаганлигининг (масалан кейинчалик жазодан муддатидан илгари шартли, амнистия актига асосан, касаллиги оқибатида озод қилинганлигининг, жазо енгилроғи билан алмаштирилганлигининг) аҳамияти йўқлиги, шу муносабат билан ЖКнинг 34-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлганда, суд илгари шартли ҳукм қилинган ёхуд ҳукм ижроси кечиктирилган шахсни ҳам, агар бу шахс тегишлича синов муддати ёки ҳукм ижроси кечиктирилган давр ичида янги жиноят содир этса, ўта хавфли рецидивист деб топишга ҳақлилиги белгиланган.

Шунга кўра жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2017 йил 2 июнь кунги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, Ю.га нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари билан жарима жазоси тайинланиб, ЖКнинг 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан тайинланган 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўзгаришсиз қолдирилиб, Ю. ЖКнинг 34-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилди.




Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2017 йил 11 августдаги ҳукмига кўра, А. га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “е” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “в” бандида, илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташлари кўрсатилган.

Иш ҳужжатларига кўра, А. муқаддам судланган бўлсада, унга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган бўлиб, унинг илгариги ҳукмлар бўйича озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланлиги ҳолати тугалланган, ҳозирда у оғир жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 19 сентябрдаги ажримига асосан суд ҳукмининг ушбу қисми қонунга мувофиқлаштириб, А.га нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланди.



Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судининг 2017 йил 7 июлдаги ҳукмига кўра, Х.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “в” банди билан иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромадига ундириб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромадига ундириб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, 228-моддаси 3-қисми билан иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромадига ундириб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Иш ҳолатларига кўра, Х. жиноят ишининг унга нисбатан қисми ажратилган шахс билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, Х.ни “Xolmatjon kelajagi” МЧЖнинг 2013-2014 йилнинг ойлик маоши тўғрисидаги маълумотномани қалбакилаштириб, ушбу ойлик маоши тўғрисидаги маълумотнома қалбаки эканлигини била туриб, хусусий тадбиркор А.га тақдим этиб, молларни бўлиб тўлаш шарти билан сотиш ҳақидаги 83-сонли шартнома тузиб, маиший техника учун олдиндан 30%, яъни 2.862.000 сўм тўловни амалга ошириб, маиший техникаларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарори 19-бандида судларга тушунтирилсинки, қалбаки ҳужжатдан фойдаланган ҳолда содир этилган фирибгарлик, башарти ҳужжат айбдор томонидан тайёрланган ёки сохталаштирилган бўлса, жиноятлар мажмуи тарзида ЖК 168-моддаси ва 228-моддаси биринчи ёки иккинчи қисмлари билан квалификация қилинади. Бошқа шахс томонидан тайёрланган қалбаки ҳужжатдан фойдаланган ҳолда фирибгарлик содир этган шахснинг ҳаракатлари ЖК 168-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилинади ва ЖК 228-моддаси учинчи қисми билан кўшимча квалификация қилишни талаб этмайди, чунки бундай ҳолда ҳужжат айбдор томонидан ўз мақсадига эришиш учун алдаш воситаси сифатида фойдаланилган бўлади деб кўрсатилган.

Шунга кўра, унинг ҳаракатлари фирибгарлик жиноятини содир қилиш усули ҳисобланиб, ЖКнинг 168-моддаси билан тўлиқ қамраб олинганлиги сабабли, унинг ҳаракатларини кўшимча равишда ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан квалификация қилиш талаб қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори 20-бандига кўра, ЖК 60-моддасининг 5-қисмига кўра, бир неча ҳукмлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишларига ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган ҳолларда бу жазоларнинг фақат муддатлари кўшилади. Шунга кўра, бундай ҳолларда узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганида, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг энг кўп бўлган миқдори белгиланиши лозим. Бир неча жиноят содир этганлик учун ЖК 59-моддаси тартибида жазо тайинлашда ҳам шу қоидаларга амал қилиниши лозим.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2018 йил 23 февралдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, Х.нинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми ва ушбу модда билан тайинланган жазо чиқарилиб, Х.га нисбатан ЖКнинг 59-моддаси тартибида жазо тайинлашда ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг иш ҳақидан давлат фойдасига ундириладиган фоизини кўрсатиш белгиланди.

## **Моддий ҳуқуқ нормаларини қўлланилиши масалалари**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2017 йил 15 сентябрдаги ҳукмига кўра, Х. ва К.лар Ўзбекистон Республикаси

ЖКнинг 211-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари, 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси билан ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида 6 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 5 ноябрдаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмаган жазони қисман қўшиш йўли билан 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланганлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарори 6-банди “б” кичик банди татбиқ этилиб, тайинланган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, Х. ва К.ларнинг ҳар иккаласи ҳам муқаддам судланмаганликлари, уларга нисбатан амнистия актини қўллашга монелик қиладиган бошқа ҳолатлар аниқланмаган.

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қарорининг қўлланиш тартиби тўғрисида Низомнинг 14-банди 3-қисми “а” кичик бандига мувофиқ **жазони ижро этиш муассасаси** маъмурияти томонидан қўлланилиб, Амнистия тўғрисидаги қарор эълон қилинган кунга қадар тугалланмаган ва олиб ташланмаган иккита ва ундан ортиқ интизомий жазоси бўлган маҳкумларни жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахслар деб ҳисоблаш лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 45-моддасига мувофиқ озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини жазони ижро этиш муассасаси амалга оширади. Жазони ижро этиш муассасаларига – жазони ижро этиш колониялари; тарбия колониялари; турмалар киради. Тергов ҳибсхоналари озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва ҳўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасалари вазифасини бажаради.

Гарчанд, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 5 ноябрдаги ҳукмига кўра, Х. ва К.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва бошқа моддалари билан ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса-да, улар ушбу суд ҳукми билан тайинланган жазоларни ўташ учун тегишлича Ўзбекистон Республикаси ЖИКда қайд этилган муассасаларга юборилмаган. Бундан ташқари тергов ҳибсхонаси ҳисобланган УЯ-64/ТХ-1 муассасасида ҳам ҳўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилмаган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси МХХ Тошкент шаҳар ТБ бошлиғининг 2015 йил 6 сентябрдаги қарори билан К. ва Х. ларга нисбатан бошқа жиноий ҳолатлар бўйича тўпланган ҳужжатлар материал тариқасида алоҳида иш юритувига ажратилган ва улар дастлабки тергов ҳаракатлари тугагунига қадар УЯ-64/ТХ-1 муассасасида сақлаб келинишган.



Жиноят ишини кассация инстанцияси судида кўриб чиқиш мобайнида тўпланган ҳужжатлардан кўринишича, жумладан, Х.га нисбатан УЯ-64/1-сонли Тергов ҳибсхонаси раҳбари томонидан 21.12.2015 йилда 90<sup>X</sup>-сонли қарорга асосан “хайфсан” жазоси, 14.07.2016 йилда 106<sup>X</sup>-сонли қарорга асосан “огоҳлантириш” жазоси, 10.06.2017 йилда 139<sup>X</sup>-сонли қарорга асосан “огоҳлантириш” жазоси эълон қилинганлиги ҳақида маълумот мавжуд.


Ушбу маълумотномада, дастлабки эълон қилинган (хайфсан ва огоҳлантириш) иккита интизомий жазо Х. жазони ижро этиш колонияси, яъни УЯ-64/61-сонли муассасасига жазони ўташ учун этап қилиб келтирилгунига қадар тайинланган. Бу давр мобайнида тергов ҳибсхонаси Х. учун жазони ижро этиш муассасаси эмас, балки тергов органи ва суд ихтиёрида бўлган шахсни вақтинча сақлаб туриш муассасаси вазифасини бажарган.

Шу билан бирга УЯ-64/1-сонли Тергов ҳибсхонаси раҳбарининг Х.ни интизомий жазога тортиш тўғрисидаги қарори ҳам Қашқадарё вилояти ИИБ ЖИЭБ бошлиғи ўринбосари томонидан тасдиқланган 2018 йил 16 январдаги 28/27-сонли Қарорга асосан уларни қабул қилишда маҳкумнинг содир этган тартиббузарликларининг оғирлик даражаси ва тартиббузарлик содир этишга нималар сабаб бўлганлигини ҳамда руҳий ҳолати тўлиқ ўрганиб чиқилмаганлиги инобатга олиниб бекор қилинган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра К. ҳам суднинг ўзига оид ушбу ҳукми ижрога қаратилгунига қадар, яъни тергов ҳибсхонасида сақланган даврида Х. билан бир кунда УЯ-64/1-сонли тергов ҳибсхонаси раҳбарларининг 21.12.2015 йилдаги қарори билан “хайфсан”, 14.07.2016 йилдаги қарори билан “огоҳлантириш” интизомий жазоларига тортилган.

Бундан кўринадики, Х. ва К. илгариги жиноят иши юзасидан чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 5 ноябрдаги ҳукми билан судланганларидан сўнг ҳам мазкур жиноят иши алоҳида иш юритувига ажратилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари давом этиб келганлиги сабабли тергов органининг ихтиёрида бўлишган, жиноят иши судга юборилганидан сўнг суднинг ихтиёрига ўтиб, иш мазмунан судда кўриб чиқилгунига қадар УЯ-64/1-сонли тергов ҳибсхонасида сақланишган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанцияси судлов ҳайъати Х. ва К.ларни жазони ўташ тартибини мунтазам бузувчи шахс деб ҳисоблаб бўлмайдиган хулосага келиб, суд томонидан уларга нисбатан ҳукм чиқариш чоғида амнистия актини татбиқ қилиш ҳақида асосли тўхтамга келинган деб топди.





Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2017 йил 27 июнь кунидаги ҳукмига кўра, Б.И. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга шу модда билан 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.


Суднинг ҳукмига кўра, Б.И. 2017 йил 14 март куни соат 15:20 ларда Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туман, Кўкча Дарвоза кўчаси, 2-уйда жойлашган «Нонвойхона»да бўла туриб, ўзи билан ишловчи фуқаро Н.К. билан ўзаро келишмовчилик натижасида жанжаллашиб қолиб, қасддан баданга шикает етказиш мақсадида, қўлида бўлган ошхона пичоғи билан Н.К.нинг чап қорин қисмига уриб, тан жароҳати етказган.

Суд-тиббиёт экспертизасининг 05.04.2017 йилдаги 3025-Ҳ-Абда сонли хулосасига кўра, Н.К.да қорин олд девори бўшлиғига тешиб ўтувчи санчиб-кесилган яраси, ингичка ичак тутқичи ва оч ичакни тешиб ўтувчи яралари, катта чарви бир қисми эвентрацияси билан ўткир кесувчи жисм таъсирида, чап қош, чап тирсак ва чап тизза соҳалари шилинмалари бўлиб, ушбу жароҳатлар етказилган вақтда ҳаёт учун хавфли бўлиб, шу белгисига асосан оғирлик даражаси бўйича оғир тан жароҳатларига кириши аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми санкциясида озодликни чеклаш жазосининг муддати уч йилдан беш йилгача кўрсатилган бўлсада, биринчи босқич суди Б.И.га нисбатан жазо тайинлаш вақтида, Қонун санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликни чеклаш жазоси тайинлаб, Қонун мазмунидан келиб чиққан ҳолда ЖКнинг 57-моддасини қўллаш масаласини ҳал қилмаганлиги аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 23.02.2018 йилдаги ажримига кўра, суд ҳукми ўзгартирилиб қонунга мувофиқлаштирилди.

*Кассация иши №205/К*



Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 2017 йил 28 сентябрь кунидаги ҳукмига кўра, С.М. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,135-моддаси 2-қисми «б», «е» бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга шу модда билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Унга ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, 1 йил синов муддати белгиланган.

Суд ҳукмига кўра, С.М. 2016 йил январь ойида бошқа шахс билан тил бириктириб, Туркия давлатининг Истамбул шаҳрида бўла туриб, Ш.К. ва Ш.Э.ни фоҳишалик билан шуғулланишлари учун улардан фойдаланиш



учун тегишли ҳужжатларсиз Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳудудидаги Бунёдкор шоҳ кўчаси бўйлаб Тошкент халқа автомобил йўли томондан Гавҳар кўчаси томонга 40 км/соат тезликда бошқариб бориб, «Кўп қаватли автотураргоҳ» қаршисига яқинлашган вақтида, йўлда бўлган ҳолатга ва ўзгаришларга эътибор бермасдан, амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 7-банди 1, 3 ва 4-қисмлари, 11-бандининг «г» қисми, 73-банди, 77-бандининг 1 ва 3-қисмлари талабларини бузиб, яъни ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини, транспорт воситасининг эгаси бўлмаган ҳолларда эса фойдаланишга берилганини тасдиқловчи ҳужжатни ва фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисини ёнида олиб юриши шартлигига амал қилмасдан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнланма оралик масофани тўғри сақламасдан, ҳаракатланиш жараёнида пиёдаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўрмасдан, ҳаракатнинг серкатновлигини, йўл ва об-ҳаво шароитини, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олмаган ҳолда ҳаракатланиб, ҳаракатланиш вақтида аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўрмасдан ҳаракатланиши оқибатида қатнов қисмини автомобил ҳаракат йўналишига нисбатан ўнгдан чап томонга қараб кесиб ўтаётган Ж.Жўраевни юк автомашинасининг олд қисми билан уриб юборгани оқибатида Ж.Жўраев ҳодиса жойида вафот этган.

Суд-тиббиёт экспертизасининг 28.08.2017 йилдаги 1405-сонли хулосасига кўра, Ж.Жўраев йўл-транспорт ҳодисаси натижасида ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати олганлиги ва ушбу жароҳатлар унинг ўлими билан тўғридан-тўғри сабабий боғлиқ эканлиги аниқланган.

Суд-трассологик экспертизасининг 07.09.2017 йилдаги 8131/3, 8132/3-сонли хулосаларига кўра, давлат рақам белгиси 10E453AA бўлган «КАМАЗ-5511» русумли автомобилида олд қисми билан тик ёки шунга яқин ҳолатдаги пиёдани уриб юбориши билан боғлиқ техник шикастлар мавжудлиги аниқланган.

Суд-автотехника экспертизасининг 17.09.2017 йилдаги 222-сонли хулосасига кўра, йўл-транспорт ҳодисаси шароитида «КАМАЗ-5511» русумли автомашина ҳайдовчиси Э.Р. ўз автомашинаси билан бир йўналишда ҳаракатланаётган пиёдага нисбатан 0,5 метр танланган ёнлама оралик масофа техник нуқтаи назардан тўғри танланмаганлиги аниқланган.

Биринчи инстанция суди Э.Р.га нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 23.05.2014 йилдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги Қарорининг 29-бандининг 3-қисми талабларига риоя этмаганлиги аниқланди.

Мазкур Пленум Қарорига кўра, агар ЖК моддаси санкциясида кўрсатилган асосий жазога қўшимча жазо мажбурий тарзда тайинлашини белгилаган бўлса, суд ЖК 57-моддасини қўллаган ҳолда, бошқа енгилроқ

асосий жазо тайинлаган тақдирда, кўшимча жазо фақат ЖК 45-моддасини қўллаган ҳолда тайинлашини, суд ҳукмининг тавсиф қисмида шундай қарор қабул қилинганлигини асослантириши лозимлиги кўрсатилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 01.12.2017 йилдаги ажримига кўра, жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 23.10.2017 йилдаги ҳукми ўзгартирилиб, Э.Р.га ЖК 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда иш ҳақининг 20% давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

*Апелляция иши №1562*

### **Жиноят-процессуал қонуни нормалари риоя этилмаганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 2017 йил 21 ноябрь кундаги ҳукмига кўра, У.У. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг «а», «б» бандлари билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган. Тошкент шаҳар ИИББ Молия-иқтисод бўлими депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 30.000.000 сўм гаров пули давлат эғалигига ўтказилиши белгиланган.

Жиноят иши ҳужжатларини ўрганиш давомида биринчи инстанция суди судланувчи У.У. бир неча марта тегишли тартибда суд мажлисига чақирилишига қарамай, судга номаълум ҳолатларга кўра суд мажлисига келмаганлиги ҳақидаги важ билан шу суднинг 05.10.2017 йилдаги ажримига кўра, судланувчи У.У.га нисбатан қидирув эълон қилиб, унга нисбатан танланган гаров эҳтиёт чорасини қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 249-моддасида айбланувчи зиммасига олган мажбуриятларини бузган тақдирда гаров суд ажрими билан давлат фойдасига ўтказилиши ва айбланувчига нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланилиши кўрсатилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 05.01.2018 йилдаги ажримига кўра, жиноят иши ҳужжатларида судланувчи У.У.ни тегишли тартибда огоҳлантирилганлиги ҳақидаги белги ёки уни мажбурий тартибда судга келтириш ҳақида бирон-бир маълумотлар мавжуд эмаслиги сабабли, биринчи босқич судининг 21.11.2017 йилдаги ҳукми ўзгартирилиб, У.У.га нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш ҳақидаги ажрими бекор қилинган.

*Апелляция иши № 1645*

**Судланган шахснинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли оқланди ҳамда айбнинг бошқа эпизоди бўйича жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят иши тугатилди.**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 2004 йил 26 мартдаги ҳукмига кўра, Н. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди, 238-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 августдаги Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармони 2-моддасига асосан жазодан озод қилинган.

Суднинг ҳукмига кўра, Н. Тошкент шаҳар ҳокимиятида етакчи мутахассис вазифасида ишлаб келиб, фирибгарлик йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкини қўлга киритиш мақсадида фуқаро У.нинг ишончига кириб, Ю.га тегишли бўлган Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги бузилаётган уйи ўрнига шаҳар марказидан иккита хонадон олиб беришини ваъда қилиб, ундан 1997 йил 20 апрель куни Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган теннис корти олдида 15.000 АҚШ долларини қўлга киритиб, пулларни ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-моддасида ёлғон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов чоғида ёки судда гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши жиноят таркибининг ташкил этишини, мазкур **жиноятнинг субъекти махсус бўлиб**, қонун бўйича ишда гувоҳ жабрланувчи, эксперт ёки таржимон сифатида қатнашиши мумкин бўлган шахс ҳисобланади. Маълумки, ҳақиқатга тўғри келмайдиган фактларни хабар бериш, ёхуд бўлган фактларни инкор этиш ҳамда иш учун ахамиятли бўлган ва **исботлаш ахамиятига эга бўлган ҳолатларни атайин бузиб кўрсатиш ёлғон кўрсатув бериш ҳисобланади.**

Бироқ, биринчи инстанция суди мазкур жиноят ишини кўришда, қайд этилган қонун талабларига риоя этмай, Н. иш бўйича судланувчи бўлиб, ЖК 238-моддаси бўйича жиноят субъекти ҳисобланмаган ва ёлғон гувоҳлик бериш жиноят таркиби бўлмаган, шунингдек, ҳукмда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг **238-моддасида ёлғон гувоҳлик беришда ифодаланган ҳаракат бўйича айблов фабуласи мавжуд бўлмаган** бир пайтда, биринчи инстанция суди Н.ни мазкур модда билан айбли деб топиш ҳақида нотўғри ҳулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 64-моддасига биноан унча оғир бўлмаган жиноятлар учун жавобгарликка тортиш муддати 5 йил бўлиб, бу

муддат ўтиб кетиши шахсни жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлади. Шу модданинг 2-қисмига кўра жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача ҳисобланиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1-бандида, шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, шахсни жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноят иши тугатилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15-моддасига асосан 168-моддаси 2-қисми унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киради.

Жиноят иш ҳужжатларига кўра, Н. фирибгарлик йўли билан У.нинг ишончига кириб, унга бузилаётган уйи ўрнига шаҳар марказидан иккита хонадон олиб беришини ваъда қилиб, 1997 йил 20 апрель куни ундан 15.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулини қўлга киритган.

Маълумки, мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, **ўзганинг мулки қўлга киритилган** ва айбдорнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган пайдан бошлаб тугалланган деб топилади.

Хусусан, Н. 1997 йил 20 апрель куни фирибгарлик жиноятини содир этганлиги аниқланган. Қонунга кўра, уни жавобгарликка тортиш муддати 2002 йил 20 апрель куни, яъни ҳукм чиқарилган кунга қадар ўтиб кетган. биринчи босқич суди юқоридаги қонун талабларига эътибор бермасдан Н.ни ЖКнинг 64-моддаси 1-қисми “б” бандига мувофиқ жавобгарликдан озод қилиш ва жиноят ишининг шу қисмини ЖПКнинг 84-моддаси тартибида тугатиш масаласини ҳал этмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисми, яъни “ғумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса айбсиз деб топилади ва реабилитация қилиниши лозим” деб кўрсатилган.

Қонун талабларидан ва юқорида кўрсатилган барча ҳолатлардан келиб чиқиб, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2018 йил 17 июлдаги ажрими билан Н.нинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят аломатлари (жиноят таркиби) бўлмаганлиги ҳамда жинойий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли реабилитация қилиниб, мазкур модда билан унга нисбатан юритилган мазкур жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 1 ва 2-бандларига асосан тугатилди.

Н.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан айб эълон қилиш эпизоди Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан тугатилди.

## **Неправильное применением норм ст. 48<sup>1</sup> УК Республики Узбекистан при рассмотрении вопроса о замене неотбытого наказания в виде ограничения свободы на лишение свободы.**

Определением Юнусабадского районного суда по уголовным делам города Ташкента от 12 июля 2018 года, представление начальника Юнусабадского УКД ОВД города Ташкента о замене не отбытого срока наказания в виде ограничения свободы на лишение свободы в отношении А. удовлетворено, не отбытый срок наказания в виде ограничения свободы сроком на 1 год 10 месяцев 20 дней был заменен на лишение свободы на тот же срок, с отбыванием наказания в колонии строгого режима. А. был взят под стражу в зале суда и водворен в УЯ 64/ ИЗ-1 МВД Республики Узбекистан.

Согласно определения суда: приговором Юнусабадского районного суда по уголовным делам г. Ташкента от 17 мая 2018 года А. осужден по ст. 226 ч. 1 УК Республики Узбекистан к 2 годам ограничение свободы с отбыванием наказания по адресу: г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Ниёзбек, йули, д. 29, кв. 33 с ограничением на выход из жилища с 20:00 часов до 06:00 часов. Осужденный был принят на учет в ОИН УКД ОВД Юнусабадского района 1 июня 2018 года, где с ним была проведена профилактическая беседа, правила отбывания наказания в виде ограничение свободы и последствия нарушения, о чем была взята расписка, однако, А. злостно уклонился, так 10 июля 2018 года при проверки его по месту жительства в 21:05 часов не находился по месту жительства. В своей объяснительной А. показал, что 10 июля 2018 года после 20:00 часов вышел из дома помочь подруге и вернулся примерно 22:30 часов. А. злостно уклонился от отбывания наказания в виде ограничение свободы, назначенного ему приговором от 17 мая 2018 года, не отбытый срок составляет 1 год 10 месяцев 20 дней.

В соответствии со ст.44<sup>4</sup> Уголовно Исполнительного кодекса Республики Узбекистан (Ответственность за нарушение порядка и условий отбывания наказания в виде ограничения свободы) за нарушение осужденным порядка и условий отбывания наказания в виде ограничения свободы инспекция исполнения наказаний применяет к нему меру дисциплинарного взыскания в виде предупреждения.

В случае злостного уклонения осужденного от отбывания наказания в виде ограничения свободы, а также невыполнения им возложенных на него судом обязанностей, инспекция исполнения наказаний вносит в суд представление о замене ему не отбытого срока ограничения свободы другим видом наказания.

В судебном заседании инспектор отдела ИИР РУВД Юнусабадского района города Ташкента показал, что с их стороны ранее, каких либо мер дисциплинарного взыскания в виде предупреждения в отношении А. принято не было.

В связи с тем, что ранее в отношении А. мер дисциплинарного взыскания в виде предупреждения в отношении принято не было, после того, как 10 июля 2018 года инспектором отдела Юнусабадского УКД ОВД города Ташкента было выявлено допущенное со стороны А. нарушение правил отбытия наказания в виде ограничения свободы, начальник Юнусабадского УКД ОВД города Ташкента, не применив в отношении А. мер административного взыскания в виде предупреждения, обратился в суд с представлением о замене не отбытого наказания в виде ограничения свободы на лишение свободы.

Определением апелляционной инстанции Ташкентского городского суда по уголовным делам от 17 августа 2018 года определение Юнусабадского районного суда по уголовным делам города Ташкента от 12 июля 2018 года в отношении А. отменено и в удовлетворении представления начальника Юнусабадского УКД ОВД города Ташкента о замене не отбытого наказания в виде ограничения свободы на лишение свободы было отказано.

**Незаконный сбыт наркотических средств  
судом неправильно квалифицировано, как  
незаконный сбыт, лицом ранее  
совершившим преступление, составляющее  
незаконный оборот наркотических средств.**

Приговором Мирабадского районного суда по уголовным делам города Ташкента от 28 августа 2017 года, С., Д., Х. осуждены по ст. 273 ч. 3 п. «а» УК Республики Узбекистан каждый к 7 годам лишения свободы, в соответствии со ст. 72 УК республики Узбекистан, условно с испытательным сроком на 3 года.

Ранее С. не судим, но привлекался к уголовной ответственности и определением Яшнободского районного суда по уголовным делам города Ташкента от 16 декабря 2013 года уголовное дело по ст.169 ч.2 п.п.«б,в,г» УК Республики Узбекистан прекращено на основании Постановления Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан «Об амнистии» от 12 декабря 2013 года. Осужденные Д., Х. не судимы.

Согласно, пункта 27 Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О судебной практике по уголовным делам, связанным с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ» за № 12 от 28.04.2017 года, уголовная ответственность лица по



пункту «а» части третьей статьи 273 УК наступает в случае осуждения его ранее за какое-либо совершенное преступление, предусмотренное в главе XIX УК.

Кроме того, согласно требованиям пункта «а» части 3 статьи 273 УК Республики Узбекистан уголовная ответственность по данной части статьи наступает лишь в случаях, ранее совершения лицом преступления, составляющего незаконный оборот наркотических средств или психотропных веществ.

Согласно материалам уголовного дела не один из осужденных ранее не привлекался и не был осужден за преступления, составляющих незаконный оборот наркотических средств или психотропных веществ.

Определением кассационной инстанции Ташкентского городского суда по уголовным делам от 8 июня 2018 приговор Мирабадского районного суда по уголовным делам города Ташкента от 28 августа 2017 года в отношении С., Д. и Х. изменен и их действия переквалифицированы со ст. 273 ч. 3 п. «а» УК Республики Узбекистан на ст. 273 ч. 2 УК Республики Узбекистан.

### **Признание осужденного особо опасным рецидивистом в соответствии со ст. 34 ч. 3 п. «б» УК Республики Узбекистан.**

Приговором Юнусабадского районного суда по уголовным делам города Ташкента от 17 октября 2017 года Ш. признан виновным и осужден по ст. 273 ч. 3 п. «а» УК Республики Узбекистан к 8 годам лишения свободы, на основании ст.60,61 УК Республики Узбекистан 9 лет лишения свободы, с отбытием наказания в колониях строгого вида режима.

Ш. ранее был осужден приговором Чиланзарского районного суда г.Ташкента от 14 июля 2011 года по ст.273 ч.2 УК Республики Узбекистан к 5 годам лишения свободы, в соответствии со ст. 72 УК республики Узбекистан, условно с испытательным сроком на 3 года.

Кроме того во время отбывания наказания он вновь совершил преступление и приговором Чиланзарского районного суда г. Ташкента от 20 декабря 2013 года признан виновным по ст.273 ч.3 п. «а» УК Республики Узбекистан, на основании ст.60 УК Республики Узбекистан к 8 годам лишения свободы. Определением Ахангаранского районного суда по уголовным делам от 27.05.2015 года на основании ст. 74 УК Республики Узбекистан наказание было заменено на 5 лет 3 месяцев 14 дней исправительных работ. Наказание не отбыто, судимость не погашена.

В связи с тем, что Ш. ранее дважды был судим за совершения тяжких преступлений к наказанию в виде лишения свободы на срок не менее пяти лет и вновь осужден за совершение тяжкого преступления к наказанию в виде лишения свободы сроком на более пяти лет, определением

кассационной инстанции Ташкентского городского суда по уголовным делам от 29 мая 2018 года Ш. в соответствии со ст. 34 ч. 3 п. «б» УК Республики Узбекистан был признан особо опасным рецидивистом и для отбытия наказания ему была определена колония особого вида режима.

### **Нарушение ст. 50 УК Республики Узбекистан при назначении наказания в виде лишения свободы в отношении женщины.**

Приговором Чиланзарского районного суда по уголовным делам города Ташкента от 28 ноября 2017 года Е. суждена по ст.ст. 168 ч.3 п.«б», 25,168 ч.3 п. «б», 228<sup>1</sup> ч.1, 169 ч.3 п.«а» в соответствии со ст.ст.59,61 УК Республики Узбекистан окончательно осуждена к 5 годам 6 месяцам лишения свободы.

Согласно требованиям ст. 50 УК Республики Узбекистан «Осуждаемым к лишению свободы мужчинам в возрасте более шестидесяти лет и женщинам срок наказания не может превышать двух третей максимального срока лишения свободы, предусмотренного соответствующей статьей особенной части настоящей Кодекса».

В соответствии с ч.8 ст.59 УК Республики Узбекистан, а так же в соответствии с п.28 Постановления Пленума Верховного суда от 03.02.2006 года №1 «О практике назначения судами уголовного наказания» в отношении женщин, а так же мужчин в возрасте старше 60 лет срок лишения свободы, предусмотренного соответствующей статьей особенной части Уголовного Кодекса, в том числе и при назначении наказания по совокупности преступлений или по совокупности приговоров».

Санкция ст. 169 ч. 3 п. «а» УК Республики Узбекистан предусматривает наказание в виде лишения свободы от 5 до 8 лет, то есть 2 трети наказания от максимального срока (восьми) лет составляет 5 лет 4 месяца, однако судом первой инстанции в нарушении требований ст. 50 УК Республики Узбекистан Е. было назначено наказание в виде 5 лет 6 месяцев лишения свободы.

Определением судебной коллегии кассационной инстанции Ташкентского городского суда по уголовным делам от 27 марта 2018 года приговор суда в отношении Е. изменен, исходя из требований ст.50 УК Республики Узбекистан, в соответствии со ст.ст.59,61 УК Республики Узбекистан Е. назначено наказание 5 лет 3 месяца лишения свободы.